FARG'ONA VILOYATI FARG'ONA TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 29 - iyun 14-11-163-Q/21 Farg'ona tumani hokimligi

Фарғона тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фарғона тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Фарғона тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати (С.Сидиқов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Гафуров) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Муминов**

Фарғона туман ҳокимининг
2021 йил 29 июндаги
14-11-163-Q/21-сон қарорига
1-илова

Фарғона тумани ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

Р Ў Й Ҳ А Т И

1. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2015 йил 15 январ кунидаги “Туман худудидаги корхона ташкилот ММТП ва фермер хожаликларига қарашли автомототранспорт воситаларини 2015-йилда мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказиш тўғрисида” ги 23-сонли қарори;

2. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2016 йил 7 январ кунидаги “Туман худудидаги корхона ташкилот ММТП ва фермер хўжаликларига қарашли автомототранспорт воситалари ва ярим тиркама ҳамда шахсий автомототранспорт воситаларини 2016 йилда мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказиш тўғрисида”ги 11-сонли қарори;

3. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2016 йил 13 сентябр кунидаги “Туманда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида” ги 913-сонли қарори;

4. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2017 йил 17 октябр кунидаги “Туманда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида” ги 1706-сонли қарори;

5. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2017 йил 4 январ кунидаги “Тумандаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситаларини 2017 йилда мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказиш тўғрисида” ги 20-сонли қарори;

6. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2018 йил 26 январ кунидаги “Туманда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина трактор парклари, устахоналари ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” ги 195-сонли қарори;

7. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2018 йил 5 октябр кунидаги “Ижтимоий муҳофазага иухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шаҳсларни ишга жойлаштириш хақида”ги 1608-сонли қарори;

8. Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2019 йил 17 сентябр кунидаги “Туманда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишдп қийналётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 4091-сонли қарори.